29 08 94


Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 20 август • Шанба • № 65 (14226) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда


Мустақилликнинг уч йиллиги олдидан

# ҲИММАТ КАМАРИН БОҒЛАБ

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ДАЛАЛАРИДА ПАХТАНИ САРАЛАБ ТЕРИШ БОШЛАНДИ

## ҒАЙРАТ ВА ҲАЙРАТ

У саҳарда уйғониб, тонг ҳавосидан сипқориб-сипқориб нафас олишни хуш кўради. Юлдузлар тарк этган тип-тиниқ осмонга термулганда, кўнглини ҳузурбахш ҳислар чулғаб олади.

Бобоси бир гапни доимо қулоғига қўрғошиндай қуяр эди: "Болам, барвақт туришни одат қил. Худо бандаларига эрталабданоқ ризқ-насиба улашади. Чошгоҳгача ғафлат уйқусида ётган одам оллою-таоло ҳимматидан қуп-қуруқ қолаверади". Болалигида кўнглида ўрнашиб қолган бу насиҳатлар бўй чўзиб, уйли-жойли бўлганидан сўнг ҳам унга йўл-йўриқ бўлиб қолмоқда.

Сафар айрим ёлғон-яшиқ гапларга ўраб-чирмаб бўлса-да деҳқонни идеаллаштиришга ишқибоз ижодкорлар тасвир этгани каби дарров уйига туташиб кетган даласига ошиқмади. Бошқа инсонлар сингари эринмай, шошилмасдан, эмин-эркин юзини муздек сувга ювди. Иссиқ баданига теккан совуқ сув уни янаям сергаклантирди.

Қушлар чуғури ҳаммаёқни босиб кетганди. Худди уларга бас келадигандек катакдаги хўрозлар ҳам чўзиб-чўзиб қичқира бошлади.

Қўра тарафга юрди. Унинг шарпасини сезиши билан қўрани тўлдириб турган қўй-қўзилар тапир-тупур қўзғолиб қолди. Қўй-эчкиларга икки қучоқ ўт ташлади. Кейин, ем берди. Қўйларнинг қуйруғи серкиллаб-серкиллаб, ерга теккудек бўлиб турганлигини кўриб, севиниб кетди. "Насиб бўлса, пахта теримини охирлатиб, тўйниям бошлаб юборамиз. Гўшт ўзимиздан чиқса... Қовун-тарвуз палакда пишиб турган бўлса".

Эрта саҳар. У бир пиёла қаймоққа нонни бўктириб еди-да, кўк чойдан мириқиб-мириқиб ҳўплади. Сўнгра, апил-тапил ўрнидан қўзғолди-да, шундоққина томорқасига туташиб кетган пахтазорни оралай кетди.

Баъзилар Сафар Мисировни шунча йилдан бери адашмай-улоқмай келаётган йўлидан адаштирмоққа ҳам чоғланди: "Э, уккағарнинг ули, сиз ўзингизнинг билак кучингизни, болаларингизнинг ухламай қилган меҳнатини қадрласангиз бўлмайдими? Мана, Кўзибойни қаранг, икки гектар ердан қанча даромад олди? Пулнинг остига кўмилиб қолди-ку? Ота-бобоси умри бино бўлиб бунчалик пулни ушлаш тугул, эшитмаган ҳам. Бир неча миллион сўм ғойибдан келдими? Бошни ишлатди. У агар шу жойга пиёз эмас, пахта эккандами, нимасини айтасиз, қилган харажати солярканинг ҳам пулини қопламас эди. Билдингизми энди, ё ўжарлигингиз ҳалиям жойида қимирламай турибдими?".

Аввалги баҳордаям бир-икки ошналари шундай дийдиё қилган, уни пахта эмас, эллик гектар ернинг ҳеч бўлмаганда уч-тўрт гектарига пиёзми, қовун-тарвузми эктирмоқчи бўлган эди. Лекин, хўжалик томонидан фақат пахта учун режалаштирилган майдонларга ўғринча бундай нарсалар ўстиришга виждони йўл бермади.



У узоқ йиллардан бери қадрдон бўлиб қолган даласидаги ғўзаларнинг пастки қисми оппоқ чаноқлар билан қопланганлигини кўриб қувонди.

Ахир, қувонмай бўладими. Мана шу пахта уни едиртириб, кийинтираётган бўлса. Ҳовлисида турган машинаси шу оппоқ чаноқлар орқасидан келган. Уй-жойчи? Укаларига, болаларига қилинган тўйлар-чи?

Хоҳласа — чўнтагида пули бор, фарзандлари олдида қиқирлаб кулиб турган бўлса — яна унга нима керак?

У оппоқ пиёладек чаноқлари тобора кўпайиб бораётган ғўзаларга боқиб, теримни ҳам бошласа бўлар, дея хаёлидан ўтказди.

(Давоми 2-бетда).

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**С. С. Саидқосимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида**

Саидмухтор Саидғозиевич Саидқосимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**С. С. Саидқосимовни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

Саидмухтор Саидғозиевич Саидқосимов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилинсин:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**А. Ҳ. Комиловни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида**

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**Б. Ҳамидовни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида**

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АВФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан, меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, Конституция 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан:**

1. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар, аёллар, ёши 60 дан ошган эркаклар ҳамда 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари жазодан озод қилинсин.

2. Биринчи марта атайлаб қилган жиноятлари учун 3 йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки енгилроқ жазога ҳукм қилинганлар, шунингдек эҳтиётсизлик туфайли қилган жинояти учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этилганлар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг учдан икки қисмини ўтаган шахслар жазо муддатининг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин, белгиланган жазо муддатининг ярмини ўтаган шахслар эса бадарға колониясига ўтказилсин.

4. Ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этилган ашаддий жиноятчиларга, наркотик моддалар ва ўқотар қуроллар билан боғлиқ жинояти учун маҳкум этилганларга, уюшган жиноий гуруҳларнинг иштирокчиларига, шунингдек, жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчиларга нисбатан қўлланилмасин.

5. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва тўрт ой давомида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 19 август.

---

*Таҳририятга хат келди*

## «ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИМИЗ КАТТА»

Ҳурматли Бош муҳаррир!

Сизга Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида яшовчи оддий қишлоқ йигитлари — Турсунов Жамол, Собиров Муҳаммад ва Ёқуббоев Муҳаммад мурожаат қилмоқдамиз.

Сизга хат йўллашдан мақсадимиз шуки, кейинги пайтларда Болтиқбўйидан, аниқроғи, Эстониянинг Тарту шаҳридан бизга ғалати мазмундаги хатлар кела бошлади. Сизга бир оз равшанроқ бўлиши учун гапни узоқдан бошласак: биз 1988 йилнинг июнь ойида ҳарбий хизматга чақирилиб, юқорида қайд этилган шаҳарда ўз бурчимизни ўтадик. Адашмасак, 1990 йилнинг февраль ойи эди, хизматдан рухсат олиб, шаҳарни айланиб юрганимизда кўл бўйида бир одам келиб биз билан танишди. Суратга олиб, адресларимизни ёзиб олди. Ўзини Март Никлус деб таништирган бу одам қандайдир халқаро жамиятнинг вакили эканлигини ҳам маълум қилди.

Очиғи, ўрисчани мукаммал билмаганимиз учун унинг айтган гапларини тўлиқ англаб етганимиз ҳам йўқ, расмимизни олиб берганига хурсанд бўлиб кетавердик.

Хизматдан қайтгач, М. Никлусдан хатлар кела бошлади. Аввалига унга эътибор бермадик, кейин хатлар билан бирга турли хил брошюралар, газеталардан қирқиб олинган мақолалар кела бошлади. Уларни мазмунига унча тушунмаганимиз сабабли тил биладиган танишларга кўрсатдик.

Маълум бўлишича, бу хатларда, мақола ва брошюраларда мустақил Ўзбекистонимизнинг ички ва ташқи сиёсатига зид гаплар, туҳмат тошлари отилган экан. Бундан ташқари, бу хатларда собиқ Ўзбекистон фуқаролари "Бирлик", "Эрк" деган ҳар хил ҳаракат ва партия вакилларининг олди-қочди, қуруқ вайсақилигидан иборат "мурожаат"лари жамланган бўлиб, бу биз — оддий меҳнаткаш оиласида вояга етган қишлоқ йигитларининг ғазабини қўзғади.

"Ҳой, б供дар, мард бўлсанг майдонга чиқмайсанми, чеккадан иғво билан тош отгунча!"— дегинг келади бундай ғаламисларга.

Мустақил давлатимизнинг дунё бўйлаб обрў-эътибори ошиб бораётган бир пайтда бундай туҳматчиларнинг бизнинг ички ишларимизга аралашишга, бизга "сохта дўст", маслаҳатчи бўлишга қандай ҳаққи бор?

Газета орқали М. Никлус ва унинг ҳамтовоқларига айтадиган бизнинг гапларимиз шу: "Жаноб Никлус, ўзингизни иғвогарлик, бўҳтондан иборат ифлос ишларингизга бизни аралаштирманг, кайфиятимизни бузманг. Барча халқимиз қатори, биз ҳам тинч бунёдкорлик иши билан бандмиз. Республикамиз халқи осойишта яшамоқда. Эртанги кунга ишончимиз катта. Сиёсий найрангларингиз, қўпорувчилик ишларингизнинг умри қисқа. Бизни танлаган мустақиллик йўлидан ҳеч ким, ҳеч қандай куч қайтара олмайди!"

**Жамол ТУРСУНОВ,**
**Муҳаммад СОБИРОВ,**
**Муҳаммад ЁҚУББОЕВ**

---

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом Каримов жаноби олийларига**

Мисрнинг миллий байрами муносабати билан менга ва Миср халқига эзгу тилаклар билдириб юборган самимий табригингизни олиб, бениҳоя мамнун бўлдим.

Жаноб Президент, Сизга эзгу тилакларимни изҳор этиб, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатларига равнақ тилайман.

**МУҲАММАД ҲУСНИ МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом Каримов жаноби олийларига**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак таваллуд кунлари муносабати билан ўз номимдан, Иордания ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати номидан Сизга самимий табрикларимни йўллайман. Қардош Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам равнақ ва фаровонлик тилашдан бениҳоя мамнунман.

**ҲУСАЙН 1,**
**Иордания подшоҳи.**

---

### ДЎСТЛИК РАҚСЛАРИ

Гурлан тумани маданият уйи қошидаги "Аму-Ганг" дастаси мустақиллик кунига бағишлаб янги дастур тайёрлади.

— Дастамиз икки буюк ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлиги рамзи сифатида ташкил этилган, — дейди унинг раҳбари Гавҳархоним Матёқубова. — Биз жаҳоннинг кўп давлатларида, шу жумладан, дўст Ҳиндистонда ўз санъатимизни намойиш қилдик. Янги дастуримизда республикамиз истиқлолини биринчилардан бўлиб тан олган Ҳиндистон билан дўстлик туйғулари тараннум этилади.

### "БУЮК ТУРОН" СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Кўҳна Хевада икки қисмдан иборат "Буюк Турон" фильмини суратга олиш тугалланмоқда.

Ўзбек кино усталари, Саудия Арабистони ва Жазоир телевидениеси ижодкорлари ҳамкорликда яратаётган бу асар тарихимизнинг фожиали ва бурилиш нуқталаридан бири — VII аср воқеалари ҳақида ҳикоя қилади. Фильмга В. Ганиев режиссёрлик қилмоқда. Саудиялик Муҳаммад Бинтдаф Кутайба ибн Муслим ролини ижро этмоқда. Машҳур кино артисти Шуҳрат Эргашев бош қаҳрамон — Савдогар сиймосини яратаётир.

(ЎзА мухбири)

---

## ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

**Мустақиллик кунининг уч йиллиги олдидан вилоятларда "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!" шиори остида адабиёт, санъат намоёндаларининг ёшлар билан учрашувлари бўлиб ўтди:**

***

Бухоро вилоятининг Бухоро ип-газлама комбинати, трикотаж фабрикасида бошланган учрашув, вилоятнинг Ғиждувон, Шофиркон туманларида ниҳоясига етди. Унда таниқли ёзувчилар С. Барноев, М. Салом, Т. Аҳмад Д. Жабборовлар иштирок этишди.

***

НАМАНГАН вилоятининг Чортоқ тумани ёшлари, Чортоқ санаторийси даволанувчилари адабиётшунос Ваҳоб Рўзиматов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевлар билан учрашиб ўз қизиқтирган саволларига жавоб олдилар. Санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар йиғилганларга роҳат бағишлади.

***

НАВОИЙ. Учрашувлар Навоий, Қизилтепа туманларида бўлиб ўтди. Унда Ҳамза театри актёри М. Дўсматов, ёзувчи Ж. Субонқуловлар иштирок этиб, ёшлик даврларини эслашди ва ўз ижодларидан намуналар ўқидилар.

---

*Арафа қувончлари*

# УЛАР МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИДА ҚАТНАШАДИЛАР

### 1. "ЗИЛОЛА" ОРОМГОҲИ

Ҳали оромгоҳ остонасидан хатлаб ўтмасимданоқ, болаларнинг қий-чуви қулоғимга чалинди. Қайси томонга юришимни билмай атрофга аланглаб турган эдим, бахтимга оромгоҳ навбатчиси рўбарў келди. Мақсадимни айтишим билан, йўлак бўйлаб мени юқорига бошлаб кетди.

Биз кирган хонада "Зилола" оромгоҳи бошлиғи Гулнора Абдужаббpraвнинг ўзлари ўтирган экан. Танишганимиздан сўнг, "Сувсоз" трестига қарашли мазкур оромгоҳ ҳақида опа қисқача гапириб бердилар: Оромгоҳимиз 3 гектар майдонни эгаллаган. Унда 8 та алоҳида-алоҳида ётоқхоналар бор. Унинг ҳар бири 40-50 нафар ўсмирга мўлжалланган. Шунингдек, болалар майдончалари, спорт соғломлаштириш маскани, тиббиёт хонаси, тўгараклар хоналари мавжуд. Яна 8 та ёзги айвончалар ҳам бор.

Хаёлимиздан кўтарилай дебди. Бу ерга келишимиз боиси, турли вилоятлардан келган мактаб ўқувчиларининг Мустақиллик байрамига тайёрлаётган махсус дастурлари билан танишиш эди.

— Айни кунларда оромгоҳимизда Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан ташриф буюрган 320 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда, — деб суҳбатни давом эттирди Гулнора опа. — Ҳаммаси ажойиб. Бири-биридан ширин. Уларнинг жон куйдириб, ўқитувчи-мураббийлари билан байрамга астойдил тайёрланаётганликларини кўриб, уларга янада меҳрим товланиб кетади. Чарчаб қолишмасин, деб зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турибмиз. Бахтимизга "Ташгосснабторг" бор экан. Ҳаммасини бир зумда муҳайё қилишмоқда. "Сувсоз" трестимиз (бошқарма бошлиғи Зокир Солихўжаев) эса мактаб ўқувчиларини ҳўл меваларга зориқтиришаётганлари йўқ. Сархил мевалар болалар дастурхонини безаб турибди. Оромгоҳнинг барча ишчи-хизматчилари болалар олдида турган улкан масъулиятни сезиб туришибди. Шу боис, уларни ҳеч нарсадан ўксинтирмай дам олиш соатларининг кўнгилли ўтишларини таъминлашмоқда.

"Зилола"нинг соя-салқин жойларида машқ қилаётган болалар томон юрдим. Биринчи суҳбатдошим Навоий шаҳридаги "Ширин" маданият саройининг "Истиқлол" рақс ансамбли раҳбари Малика Жабборова бўлди.

— Бу бизнинг катта орзуимиз эди, — дейди Малика. — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг биринчи йил байрам шодиёналарида ҳам иштирок этиш менга ва гуруҳимиздан яна бир киши— Ором Раҳмоновага насиб этган. Ўшанда байрам дастурида қатнашганмиз. Худо хоҳласа, яна бир кун — Мустақиллик байрамида ўз ансамблимиз билан иштирок этамиз, деб ўз-ўзимизга сўз бергандик. Ниятимиз холис экан. Мана кўриб турганингиздек, орзуимиз амалга ошмоқда.

(Малика Тошкентдаги маданий-оқартув техникумини 1991 йил тамомлаган. Сўнгра Навоийга қайтиб, у ерда "Навоиазот" корхонаси қошида "Истиқлол" ансамблини тузади).



**Суратда: "Истиқлол" ансамбли раққосаларидан бир гуруҳи Малика ЖАББОРОВА билан.**

Малика суҳбатни давом эттиради: Ансамбилимизда асосан ўзбек миллий рақслари ижро этилади. Гуруҳимизда 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган қиз болалар шуғулланади. Мустақиллик байрамига биз "Мустақил Ўзбекистон" рақсини саҳналаштириб келганмиз. Ўйлаймизки, бу рақс барчага манзур бўлади.

ЖИЗЗАХ вилоятидаги илмий-услубиёт маданий маркази директори Раҳматилла САРИМСОҚОВ билан ҳам шу ерда учрашдик. Бир зум у кишининг "дарси"ни кузатдик-да, кейин савол билан юзландик.

(Давоми 2-бетда).

